



# Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: halksuzi@sand.uz • 2002 йил 30 август, №183-184 (3011-3012) Жума

## ЎЗБЕКИСТОНДА ДЕМОКРАТИК ЎЗГАРИШЛАРНИ ЯНАДА ЧУҚУРЛАШТИРИШ ВА ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ АСОСЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ



### ИККИНЧИ ЧАҚИРИҚ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНИНГ ТЎҚҚИЗИНЧИ СЕССИЯСИ ҲАҚИДА АХБОРОТ

29 август куни Тошкентда иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг тўққизинчи сессияси ўз ишینی бошлади.

Парламент сессиясида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоом Каримов иштирок этмоқда.

Мажлислар залида Вазирлар Маҳкамаси аъзолари, республика ташкилотлари раҳбарлари, хорижий давлатларнинг элчилари ва дипломатик корпус вакиллари, чет эл ҳамда маҳаллий оммавий ахборот воситалари мухбирлари ҳозир бўлди.

Сессия ишینی Олий Мажлис Раиси Э.Халилов бошқарди.

Олий Мажлис сессиянинг ишчи органи — котибиятни ташкил қилди ва кун тартибінни тасдиқлади.

Депутат С.Худоберовни хотирлаб, депутатлар бир дақиқа сукут сақлади.

Сессия кун тартиби Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Раисининг ўринбосари тўғрисидаги масалани кўриб чиқиш билан бошланди. Депутатлар бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан Т.Камаловни ушбу вазифадан озод этди ва Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 84-моддаси-

га биноан М.Ернйязовни Олий Мажлис Раисининг ўринбосари этиб сайлади.

Сессияда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоом Каримов маъруза қилди.

Давлатимиз раҳбари мамлакатимиз мустақил ривожланиши асосий босқичларини атрофлича таҳлил этди, демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш, фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг устувор йўналишлари ва тамойилларини белгилаб берди. Президент Ўзбекистон Республикаси суверенитети, сиёсий институтлар ва нодавлат жамоат ташкилотларини мустаҳкамлаш, миллий хавфсизлик ва ижтимоий барқарорликни таъминлаш, Қуролли Кучларни давр талабига мувофиқ ислох қилишнинг долзарб масалаларига алоҳида эътибор қаратди (Маъруза матни матбуотда чоп этилмоқда).

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоом Каримов маърузасини муҳокама этишда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси А.Орипов, Кўкон шахридаги тиббиёт билим

(Давоми 3-бетда).

### Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

#### Лизинг фаолиятини ривожлантиришни янада рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида

Ўзбекистон Республикасининг "Лизинг тўғрисида"ги Қонунига мувофиқ ҳамда иқтисодиёт тармоқларини, хусусан кичик ва ўрта бизнесни замонавий технология усуналари билан жиҳозлашда, шунингдек, мамлакатимизнинг ишлаб чиқарувчилари томонидан тайёрлаб чиқарилган асбоб-ускуна ва техникани сотишда лизинг фаолияти ролини ошириш мақсадида:

- 2002 йилнинг 1 сентябридан бошлаб: лизинг тўловлари — қўшилган қиймат солиғидан; лизингга бериш учун Ўзбекистон Республикаси ҳудудида олиб келинадиган технология усуналари — вакил банкнинг тегишли тасдиғи мавжуд бўлган тақдирда, божхона тўловидан ва қўшилган қиймат солиғидан озод қилинсин.
- Белгилаб қўйилсинки, 2002 йилнинг 1 сентябридан бошлаб: лизинг оладиган хўжалик юритувчи субъектлар лизингга берилган мулкка солиқ тўлашдан лизинг шартномаси амал қиладиган муддатга овоз қилинадилар; лизинг берувчинини солиққа тортиш чоғида у лизингга бериш учун мулк харид қилишга олган кредитлар фойзи ҳамда белгиланган бошқа тўловларнинг суммаси унинг жами даромадидан чегириб ташланади.
- Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги билан келишилган ҳолда агар лизинг олувчи лизинг шартномаси бўлиб мажбуриятларини жиддий равишда бузган тақдирда лизинг берувчининг лизинг олувчидан лизинг объектини олиб қўйиш тартибига оид тақлифларни ишлаб чиқиш, Вазирлар Маҳкамасига киритсин.
- Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, Давлат божхона қўмитаси бир ҳафта муддатда тегишли норматив ҳужжатларга маъзур Фармондан келиб чиқадиган ўзгариш ва қўшимчаларни белгиланган тартибда киритсинлар.
- Маъзур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р.Азимов зиммасига юксалсин.
- Ушбу Фармон матбуотда эълон қилинсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри, 2002 йил 28 август.

Сўз — депутатларга

## Одил ва қатъий йўл саодати

**Бахтиёр ПАНЖИЕВ, 140-Учқизил сайлов округидан депутат:**

— Халқимиз асрлар давомида қўп-қўп қурбонлар бериб машаққатли синювлардан ўтди, не-не оғир куллари, йўқотишлари зулм-ситамларни бошдан кечирганлиги тарихдан аён. Очиги, ўз вақтида бунчалар озод ва эркин бўлиб, ҳур Ватанда яшаш буюк бир орзу эди. Не бахтки, халқимизнинг ана шу азалий армони айнан бизнинг кунларимизда рўёбга чиқди. Тўғри, тарихан қисқа бўлган фурсат ичидан янги ҳаёт, янги жамият қуриш борасида, халқаро майдонда ўз ўрнини эга бўлиш йўлида катта йўлни босиб ўтдик. Табиийки, бу муваффақиятлар осонликча қўлга киритилмади. Бу йўлда қувончлар ҳам, изтироб ва машаққатлар ҳам бўлди. Аммо ҳар қандай шароитда ҳам биз ўз танаб олган йўлимиздан қайтмадик. Парламентимизнинг IX сессиясида Президентимиз маърузаларини тинглаб эканман, кўнглим-

дан беихтиёр ана шундай ҳис-туйғулар кечди.

Ўзингиз ўйланг. Бундан 11 йил олдин биз фуқаролик жамияти ёхуд сўз эркинлиги деган тушунчаларни тасаввур қилишимиз мумкиними? Албатта, йўқ. Президентимизнинг сессияда гапирган қуйидаги сўзлари аини ҳақиқат: Ўзбекистоннинг жаҳон миқёсида ортиб бораётган нуфузи — бу, аввало, мамлакатимизда истиқлолнинг дастлабки кунлариданоқ ўтказиб келинаётган, ҳар томонлама чуқур ўйланган, оғир-вазмин, қатъий ва мустақил ташқи сиёсатнинг натижасидир. Модонки шундай экан, энди бизни ўз тараққиёт йўлимиздан ҳеч қачон қайтара олмайди. Шахсан мен ҳам депутат, ҳам олдий фуқаро сифатида эртанги кунимиз бугунгидан-да ёру бўлишига ишонаман. Қолаверса, Президентимиз ўз маърузаларида таъкидлаб

(Давоми 3-бетда).

## Президент Ислоом Каримовнинг Олий Мажлис тўққизинчи сессиясидаги маърузаси

Ассалому алайкум, азиз ва тандошлар!

Мухтарам халқ депутатлари!

Бир неча кундан сўнг мамлакатимиз, бутун халқимиз ўз мустақиллигининг ўн бир йиллигини катта тантана билан байрам қилди.

Биз 1991 йилнинг 1 сентябридан торабга узоқлашиб борганимиз сари барчамизнинг тақдиримизда ҳал қилувчи аҳамият касб этган ана шу буюк тарихий сана билан боғлиқ баъзи воқеалар, уларнинг айрим тафсилотлари хотирамиздан кўтарилиши ҳам мумкин. Албатта, бу табиий ҳол ва ҳаммамиз буни тўғри тушунамиз.

Шу билан бирга, ҳеч шубҳа йўқки, мана шу улғун сана билан бугунги кунимиз ўртасидаги масофа қанчалик узайса, босиб ўтган йўлимизни ҳолисона ва атрофлича таҳлил қилиш, тегишли хулоса ва сабоқлар чиқаришнинг аҳамияти торабга кучайиб боради.

Албатта, мана шу ўтган даврга, шу вақт мобайнида амалга оширган ишларимизга бериладиган баҳо турлича бўлиши мумкин. Бу, аввало, ҳаётимизда рўй бераётган ўзгаришларни ким қандай нуқтаи назардан таҳлил қилишига, эришган ютуқларимизни қандай қўл билан баҳолашга боғлиқ. Табиийки, бундай ёндашув ва хулосаларга қўйилган ҳам, қўшилмаслик ҳам мумкин.

Лекин, ишончликомилки, бир масалада, яъни биз бундан ўн бир йил муқаддам қабул қилган тарихий қарор, таянган йўлимиз тўғрисида буйича аксарият кўпчилигининг фикри бир жойдан чиқиб шубҳасиз.

Биз тарихимизнинг уша туб бурилиш нуқтасида, ғоят хатарли ва мураккаб кунларда ҳақиқатан ҳам яккаю ягона тўғри йўлни ташладик. Яъни,

мустақил тузум, ўта мафкура-лашган, миллий ўзинимизни топган эски тизимдан воз кечиш, халқимизнинг хоши-иродаси, азму қарорини бажо келтириш, очик демократик ва ҳуқуқий давлат қуриш, ижтимоий йўналирилган бозор иқтисодиётини шакллантириш йўлини ташладик.

Халқимизнинг асрий орзу-умидлари ва интилишларига жавоб берадиган, мамлакатимизга, эртага ўрнимизга келадиган авлодларга улкан имконият ва истиқболлар эшигини очадиган ҳаётга қалам қўйдик.

Албатта, ҳаммамиз яхши тушунардики, биз олимизга қўйган мақсадларга эришиш осон эмас эди ва бу ҳақиқатни йиллар ўтгани сари торабга кўпроқ ва аниқ англамоқдамиз.

Энг муҳими, бугун ана шу мақсад-муддаоларга — мустақил давлат, эркин жамият ва фаровон ҳаёт қуриш, содда қилиб айтганда, дунёда ҳеч қандам кам бўлмаган яшаш учун интилиш кенг жамоатчилигимиз, халқимизнинг онгу тафаккури, амалий ҳаракатларида торабга кўпроқ ўрин эгалламоқда.

Айни пайтда, минг афсус билан шуни ҳам таъкидлашга мажбуримизки, бугун собиқ иттифоқ ҳудудидан, айрим қўшни давлатларда баъзи бир тағалати ҳолатларни кузатишимиз мумкин. Яъни, ўз умрини яшаб бўлган, сиёсий жиҳатдан касалга учраган, коммунистик мафкурага асосланган тизимни соғиниб-қўмсаб гапирётган айрим сиёсат ва давлат арбоблари — эски тузум тарафдорлари яна қайтадан бош кўтараётганига гувоҳ бўлмоқдамиз.

Улар, бир қарашда, қудай келган пайтда ўзларини мустақиллик учун курашган ва эски тизимдан жабр-зиён

кўрган шахслар сифатида кўрсатади, шу билан бирга, кези келганда кимдир яхши кўриниш ва сохта обрў топшиш мақсадида ўзини СССРни сақлаб қолтиш учун охиригача курашганлар сафига қўшишга уринади.

Бир сўз билан айтганда, СССРнинг сояси собиқ иттифоқ минтақасидан ҳали-бери бутунлай кўтаришган эмас ва буни биз доимо инобатга олишимиз, ҳақиқат сергак ва хушёр бўлиб яшашимиз зарур.

Шу сабабли, биз ўз мустақиллигимизни қандай қийинчиликлар билан, қандай синов ва сурунли курашлар билан қўлга киритганимизни бугун яна бир бор эслашимиз ўринли, деб биламан.

Яъни, ҳали-бери хотирамиздан кўтарилмаган ўша тақлиқли кунларни ёлга олар эканмиз, шу залда ўтирган одамлар, умуман кўпчилик замонадошларимиз гувоҳ бўлган воқеаларни, бизга ҳисаб билан қарайдиган ташқи ва ички душманларимизнинг юртимизда ҳукмронлик қилиш, ўз ёвуз мақсадларига эришиш учун қандай ўта хавфли хуружлар қилганини эсласак, ортиқча бўлмайди.

Шундай қабиҳ ният билан

1989 йил май-июнь ойларида Фарғона, 1990 йил февраль-март ойларида Бўка ва Паркентда содир этилган, ҳеч қачон ёлимиздан чиқмайдиган даҳшатли фожиялар; 1990 йилнинг июнь ойидаги Ўш ва Узган воқеалари; 1991 йилнинг 8 декабрида Намангандаги собиқ вилоят ижрокуми биносини эгаллаб олган диний экстремистларнинг конституцион тузумга қарши тажовузлари; 1991 йил октябр ойида собиқ Марказ тарбиялаган ва тезлаган партия-совет номенклатураси томонидан ташкил қилинган, Олий Совет 7-сессиясида Президентини ағдаришга бўлган уришишлар; 1992 йилнинг 16 январидан Талаблар шаҳарчасида ўзимизнинг фарзандларимизни ёлгон дўлат ва чақирдиқлар билан йўлга олдириб, уюштирилган тартибсизликлар ва шунга ўхшаган хатти-ҳаракатлар, аввало, ўзбек халқининг, ҳамжигарчилигини бузиш, унинг эркинлиги ва озолик учун олиб бораётган курашига зарба бериш, томирига болта уришига қаратилгани бугун барчамиз яхши англаймиз.

1999 йил февраль ойида пойтахтимиз Тошкент шаҳрида ёвуз террорчи кучлар то-

мон содир этилган портлашлар натижасида қанча беғуноҳ одамлар ҳаётдан қў юмгани ва ярадор бўлгани ҳам халқимиз хотирадан асло ўчмайди.

1999, 2000 ва 2001 йилларнинг 8 февраларида Афғонистон ҳудудида ўзига уя қуриб олган террорчи тўдаларнинг чегараларимиздан бостириб кириб, бизни азиз фарзандларимиз — ҳаётга эндигина қадам қўётган ҳарбий аскарлардан жудо қилиб, оналар юрагини дарду аламага тўдирганини, Ўзбекистоннинг озолиги ва тинчлигига қарши ташкил қилинган хуруж ва ҳаракатларни бошимиздан кечирганимизни ҳам ҳеч қачон унутмаслигимиз ва бундан тегишли сабоқлар чиқаришимиз зарур.

Бундай қора ниятларни амалга оширишга уринган тўдалар ва ҳаракатлар ортида қандай қабиҳ сиёсий кучлар ҳамда экстремистик марказлар тургани, улар бу мақсадлар учун катта маблағлар ажратгани, махсус кўпурвчилик ва террорчилик лагерларида жангариларни тайёрлагани бугун барчамизга аён бўлиши мумкин.


Биз яхши тушунамиз — бугун янги ҳаёт, янги жамият барпо этиш йўлида қўлга киритилган ютуқларимизни, амалга ошираётган ишларимизни кўра олмайдиغان, юртимизга қўз олайтираётган маълум кучлар ўз қабиҳ ва нопок ниятларидан ҳали ҳам қайтган эмас.

Шунинг учун ҳам халқимизнинг орзу-интилишларини ўзида мужассам этган, бугун юртимизда шпор бўлиб қолган "Ўз уйини ўзинг асра!" ва "Тинчлик учун курашмоқ керак" деган ҳаракатларимизни янада кучайтиришимиз, доимо оғоҳ бўлишимиз керак.

(Давоми 2-бетда).



СУРАТЛАРДА: сессиядан лавқалар. Абдувоҳид ТУРАЕВ, Дилшод ЮСУПОВ (ЎЗА) ва Нўмонжон МУҲАММАДЖОНОВ олган суратлар.









Мухтарам юртдошлар!

# «ЎЗБЕКТЕЛЕКОМ»

АКЦИОНЕРЛИК КОМПАНИЯСИ

сизларни умумхалқ  
байрам — Ўзбекистон  
Республикаси

## МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ 11 ЙИЛЛИГИ

билан самимий  
табриклайди.

Барчангизга мустаҳкам соғлиқ,  
бахт, хотиржамлик ва омад тилаймиз.

Ватанимиз равнақи, халқимиз фаровонлиги  
йўлидаги бунёдкорлик меҳнатингизда  
зафарлар ёр бўлсин!

 **ЎЗБЕКТЕЛЕКОМ**  
www.uztelecom.uz

Ўзбекистон Республикаси  
«Ўзбектелеком» АК



**JV SOVPLASTITAL**

«Совпластитал» ҚК ва унинг  
шўба корхоналари:

“МВМ” ҚК,  
“Совпластитал ва Сонья” ҚК,  
“Совпластитал ва Табор” ҚК,  
“Италфуд” ҚК,  
“Ташинвестпласт” ҚК

жамоалари кўпмиллатли,  
меҳнатсевар Ўзбекистон  
халқини улуг байрам —  
МУСТАҚИЛЛИКНИНГ 11 ЙИЛЛИГИ БИЛАН  
чин дилдан қутлайди!

Барчангизга тинчлик ва меҳр-мурувват,  
ҳар бир оилага сиҳат-саломатлик, бахт-саодат,  
фаровонлик, жонажон Ватанимиз равнақи йўлидаги  
интилишларингизда улкан зафарлар тилаймиз!

**Бахтли бўлинглар!**

**Биз доимо сиз билан!**

“Совпластитал” ҚК

# «ҒАЛЛАБАНК»

ЖАМОАСИ

Ўз миждозлари, акциядорлари, ғаллакорларимиз ва бутун  
мамлакатимиз аҳолисини Энг улуг, энг азиз байрам —  
РЕСПУБЛИКАМИЗ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ 11 ЙИЛЛИГИ  
билан самимий қутлайди.

Барчага соғлиқ-саломатлик, оилавий бахт ва ишларида  
муваффақиятлар тилайди.

Мустақиллигимиз абадий, халқимизнинг ризқ-насибаси  
бутун бўлсин.

Универсал банк мақомига эга бўлган молиявий  
муассаса халқимизни нон ва нон маҳсулотларига бўлган  
талабини қондиришдек савобли ишда  
қатнашаётганидан фахрланади.  
Бундан кейин ҳам мазкур йўналишда ўз  
фаолиятини давом эттиради.

«Ғаллабанк» хонадонингизга барака  
келтирсин!

**«Ўздунробита» компанияси**  
**Ўзбекистон Республикаси**  
**Мустақиллигининг 11 йиллиги**  
**билан барчангизни**  
**муборакбод этади!**

Ва Тошкент ҳамда Самарқанд шаҳарларида

**GSM**  
 стандартидаги янги алоқа тармоғи  
 очилишини эълон қилади.

Тошкент марказий хизмат манзили:  
 Усмон Юсупов кўчаси, 16 ("Лабзак")  
 Узлуксиз сўров хизмати: 130-09-09, 131-09-09.  
 "Ўздунробита" КК телефонларидан -611

**UZDUNROBITA**  
 first cellular

**Amantaytau Gold Fields —**  
**O'zbekiston-Buyuk Britaniya**  
**qo'shma korxonasining xalqaro hamkori**  
**OXUS MINING PLC**

*O'zbekiston Respublikasi Mustaqilligining o'n bir yilligi bayrami munosabati bilan O'zbekiston Respublikasining xalqi va hukumatini samimiy tabriklaydi va ularga tinchlik-omonlik, barqarorlik, baxt-saodat va farovonlik tilaydi.*

*On the occasion of the 11-th Anniversary of the Independence of the Republic of Uzbekistan*

**Uzbek-British Joint**  
**Venture Amantaytau Gold Fields**  
**and its international partner Oxus Mining plc**  
*send sincere greetings to the People and the Government of the Republic of Uzbekistan and wish them peace and stability, happiness and prosperity.*

**Азиз юртдошлар!**

**«УЗБЕК ЛИЗИНГ**  
**ИНТЕРНЕЙШНЛ А.О.»**

халқаро лизинг компанияси

сизларни истиқлол байрами —  
**МУСТАҚИЛЛИК КУНИ**  
 билан самимий муборакбод этиб, сиз азизларга тинчлик-хотиржамлик ва юртимиз равнақи йўлидаги бунёдкор ишларингизга улкан зафарлар тилайди!

**UzbeLeasing**  
 INTERNATIONAL A.O.

Хусусий очик акциядорлик тижорат банки  
**«БИЗНЕС БАНК»**  
 она Ватанимиз Ўзбекистон Республикаси фуқароларини ва пойтахтимизнинг азиз меҳмонларини кириб келаётган **МУСТАҚИЛЛИК БАЙРАМИ** билан самимий табриклайди!

Сизларга ва яқинларингизга соғлик, оилавий тинчлик-тотувлик ва мусаффо осмон ёр бўлсин!

Барча бошлаган ишларингизга улкан зафарлар тилаймиз!

**БИЗНЕС БАНК**

# ДУНЁ САММИТИ НИМАЛАРНИ ВАЪДА ҚИЛМОҚДА?

Шу кунларда Жанубий Африка пойтахти — Йоханнесбург шаҳрида дунё мамлакатларининг глобал саммити бўлиб ўтмоқда. Барқарор тараққиёт буйича дунё саммити деб аталган маъмур тадбирга юздан зиёд давлат раҳбарлари таклиф этилган. Уларга ҳамроҳлик қилувчи расмийлар сони эса қирқ минг нафарга яқин. Умумий ҳисобда анжуманда 65 минг нафар делегат иштирок этиши назарда тутилган.

Шу йилнинг 26 августидан 4 сентябрга қадар давом этилган ушбу учрашув кун тартибидан атроф-муҳит муҳофазаси, дунё бозорида барча мамлакатлар учун бирдек имконият яратиш, ривожланаётган давлатларга иқтисодий кўмаклашиш, тоза ичимлик суви билан боғлиқ муаммоларни ҳал этиш, қайта тикланадиган энергия манбаларидан биргалликда фойдаланиш каби масалалар жой олган.

ҳўжалигини ривожлантириш ва биологик турли-туманликни, оддийроқ айтганда, табиатни асраш.

Кузатувчилар, маъмур учрашувни бундан ўн йил муқаддам Бразилиянинг Рио-Де-Жанейро шаҳрида бўлиб ўтган халқаро саммитнинг узвий давоми сифатида шарҳламоқда. 1992 йилда ўтказилган ушбу саммитда асосий эътибор атроф-муҳит муҳофазаси ва глобал тараққиёт масалаларига қаратилган эди. Бош котиб Кофи Аннанинг қайд этишича, ўтган ўн йил давомида Рио-Де-Жанейрода ўртага ташланган муаммоларни ҳал этиш борасида айтарлиқ натижаларга эришилгани йўқ. Айнан уша саммитда сайёрамизда об-ҳавонинг ўзгариши ва табиатни асраш буйича йирик халқаро ҳужжатлар имзоланган эди. Утган вақт мобайнида эса атмосферага чиқарилаётган турли-туман газлар миқдори ортаган бўлса ортки, лекин камаймади. Табиатни асраш борасидаги сайё-ҳаракатлар ҳам қўйилган даражада эмас.

### Бизнинг шарҳ

Йоханнесбург саммитида ривожланаётган давлатларга иқтисодий ёрдам бериш масаласи кўпчилигининг диққат-эътиборини тортиши табиий. Негаки, бугунги кунда ривожланган ва ривожланаётган мамлакатлар ўртасида аҳоли сони, ишлаб чиқариш ва истеъмолчилик даражасидаги тафовут тобора катталашмоқда. Дунё аҳолисининг истеъмолчилик мароми шу даражада шитоб билан кечаяптики, назияда табиат захираларининг қайта тикланиб улгуриши учун вақт етмай қолаётти.

Глобал иқтисодиёт тез ўсиб бораётган ҳозирги шароитда табиатни ва ер юзи аҳолисининг муҳтож қатламларини муҳофаза қилиш осон иш эмас. Мутахассисларнинг баъоратида, яна эзлик йилдан кейин дунё иқтисодиётидаги ялпи айланма 140 триллион долларни ташкил этади. Айни

вақтда эса бу рақам 35 триллион доллар атрофида.

Шу ўринда қизқ бир далил: айни вақтда ривожланган мамлакатлар аҳолиси ялпи дунё нufусининг бор-йўғи ўн фоизини ташкил этади. Лекин дунё буйича истеъмол қилинаётган маҳсулотларнинг 40 фоизи улар ҳиссасига тўғри келади.

Жаҳон банки мутахассисларининг тасдиқлашича, ривожланган ва ривожланаётган давлатлар ўртасидаги фарқ сўнгги қирқ йил давомида айниқса яққол кўзга ташланиб қолди. Жаҳон банки маълумотларига қараганда, бугун ер юзида 1.2 миллиард нафар киши қашшоқликда кун кечираётган экан.

Саммит кун тартибидан жой олган бошқа масалалар — табиатни асраш ва тоза ичимлик суви муаммоси ҳам кўпчилигини қизиқтириши табиий. Аслидаки, бир томондан барқарор тараққиёт, иккинчи томондан табиатни асраш ҳақида бирдек қайғуришни ўзи бир мураккаб юмуш. Негаки, атроф-муҳитнинг ифлосланиши, экологиянинг бузилиши билан боғлиқ қатор муаммоларнинг юзга келишига жаҳон иқтисодиётидаги жалол юксалиш, техника тараққиёти сезиларли таъсир ўтказганини ҳеч ким инкор этолмайди.

Жаҳон банки ҳисоб-китобларига кўра, 1950 йилдан бугунга ер юзидаги унумдор тупроқ ва ўрмоннинг 23 фоизи яроқсиз ҳолга келган. Ер юзидаги бир миллиард киши эса бугун тоза ичимлик сувига муҳтож.

Барқарор тараққиёт буйича дунё саммити ҳақида фикрлар, муносабатлар турли-туман. Кимлардир маъмур тадбир ер юзи муаммоларини, қисман бўлса-да, ҳал этишига умид билдираётган бўлса, бошқа бировлар эса уни ҳўжақўрсинга ташкил этилган маросим сифатида баҳолашмоқда. Нима бўлганда ҳам тадбир олдида қўйилган масалалар чиндан ҳам улкан. Эҳтимол, уларни юз фоиз ҳаётга таъбиқ этишнинг имкони йўқдир. Лекин агар улар қисман бўлса-да амалга осса ҳам Жанубий Африка пойтахтида бўлиб ўтаётган маъмур саммит ўзини оқлай билгани, тадбир учун ажратилган нақд эзлик миллион доллар маблағ исзис кетмагани ҳақида гапириш мумкин бўлади.

Фарҳод АРЗИЕВ, «Жаҳон» АА шарҳловчиси.



### 17 миллион киши жабрланди

Бу йилги тошқинлар оқибатида жами 80 та давлатда яшовчи 17 миллион киши жабрланган. Жаҳон Метеорология Ташкилоти (ЖМТ) ана шу ҳақда маълум қилган. Табиий офат 3000 дан зиёд кишининг ҳаётига зомин бўлди. Сув остида қолган ҳудудлар 8 миллион квадрат километрдан ошиб кетди. Умумий зарар ҳозирда 30 миллиард доллар миқдорига баҳолашмоқда.

ЖМТ маърузасида айтилишича, инсон ҳаётига қурғоқчилик ҳам таҳдид солмоқда. Масалан, Африка китъасининг жанубий минтақаларида сувсизлик сабабли 13 миллиондан зиёд киши очликка гирифторм бўлиши мумкин.

### Тўртлик учрашуви

Нью-Йорк шаҳрида шу йилнинг 16 сентябрь кунин «Яқин Шарқ тўртлиги» га кирувчи АҚШ, Россия, Европа Иттифоқи ва БМТ вакилларининг учрашуви бўлиб ўтди. «Рейтер» агентлигининг маълум қилишича, унда Фаластин ва Исроилнинг ўзаро муносабатлари муҳокама қилинади.

Учрашувда АҚШ Давлат котиби Колин Пауэлл, Россия ташқи ишлар вазири Игорь Иванов, ЕИ ташқи ишлар вазири Хавьер Солана ва БМТ Бош котиби Кофи Аннан иштирок этиши режалаштирилган. «ИТАР-ТАСС» ахборот агентлигининг хабарига кўра, бин Лодин ва унинг яқин ёрдамчиларидан бири Ал-Зоҳирий икки давлат ўртасидаги 400 километрга яқин чегара ҳудудларида бошпана топган.

### Чегара ҳудудида яширинган

Афғонистонда олиб борилаётган аксилтерор операцияларида қатнашаётган америкалик ҳарбийларнинг ҳулосасига кўра, биринчи рақамли террорчи Усама бин Лодин тирик ва у Афғон-Покистон чегара ҳудудларида яширинган.

### Қурбонлар сони кўпаймоқда

Исроил танклари Фаластиннинг Фазо шаҳрига зарбалар бериши оқибатида 4 киши (улардан 2 нафари болалар) ҳалок бўлган.



Шифокорларнинг айтишича, снарядлар яхдийлар яшовчи аҳоли пунктларининг яқинида жойлашган «Бедуин» лагерига портлаган. «ИТАР-ТАСС» агентлигининг маълумотига қараганда, исроиллик ҳарбийлар вакиллари ушбу ҳодиса буйича маълумот бермаган.

### Разведкачилар маълумотига кўра...

Покистон разведкаси ўтган йилнинг 11 сентябрь воқеаларига бир йил тўлиши муносабати билан мамлакатда кўпуровчиликлар амалга оширилиши мумкинлиги ҳақида маълумот олишга муваффақ бўлган. Махсус хизмат вакилларининг маълум қилишича, ҳарбий базалар, полиция участкалари, черков ва хориж ваколатхоналари террорчиларнинг асосий нишони бўлиши мумкин. «Лента.ру»нинг хабарига қараганда, Покистон ҳукумати барча ҳавфсизлик чоралари амалга оширилишини таъкидлаган.

### Ракета учурилди

Франция Гаианасидаги Куру космодромидан Европа космик агентлиги «Ariane» ракетабини муваффақиятли учурди. Ракета орбитага Франциянинг «MSG-1» метеорологик ва Италиянинг «Atlantic Bird 1» телекоммуникацион йўлдошларини олиб чиқди.

Олимларнинг таъкидлашича, французларнинг сунъий йўлдоши бошқа метеорологик космик аппаратлардан тубдан фарқ қилади. У об-ҳаво маълумотини янада аниқроқ етказиб беради, глобал илиқлашиш сабабларини ўрганади ва ерга аввалги йўлдошлардан кўра 20 баробар кўп ахборот етказиб бериши мумкин. «Би-би-си» маълумотига кўра, «MSG-1» Европанинг «Meteosat» дастури асносида ишлайди.

### Кийимлар гапуради

«Marks & Spenser» компанияси кийим ва озик-овкат ҳақида маълумот беришчи микрочилар яратиш учун кенг кўламли инвестициялар киритишни режалаштирмоқда.



«Spense» хабарига кўра, кийимларга ўрнатилган микрочилар хабардорларга ушбу либос ҳақида тўлиқ маълумот беради, сотиб олинганидан сўнг эса уни сақлаш ва қандай ҳароратда ювиш ҳақида айтиб беради.

Озик-овкатлар ўрамини ўрнатилган микрочилар эса сотувчиларга егуликни сақлаш мuddати қачон тугагини эслатиб туради. Мутахассисларнинг фикрича, ўз фаолиятида янги технологияларни жорий қилишга интилган савдо дўконлари тўғри йўл тутушади. Чунки улар харидорларнинг эътиборини ўзига жалб қилади.

### Уй ҳайвонлари билан дўст бўлинг!

Америкалик олимлар ўтказган тадқиқотлар натижаларига кўра, мушук ёки ит сақланадиган уйда улғаяётган гўдаклар келажақда бошқалардан кўра нафас қисш касаллигига кам чалинаркан. Олимлар аниқлашчи, ҳаётининг биринчи йиллариданок уй ҳайвонлари билан муносабатда бўлган болалар ҳар хил аллергия касалликларга кам дучор бўлади.



Жоржия штати тиббиёт коллежининг ходими, тадқиқотлар раҳбари Деннис Оунбининг айтишича, изланишлар натижалари олимларнинг ўзларини ҳам хайратга солди. Чунки улар тадқиқотлар орқали бунинг умуман тескарисини исбот қилмоқчи эдилар. Олимлар илмий изланишларидан аввал уй ҳайвонлари аллергия касаллигининг асосий сабабчиларидан бири деб ҳисобланарди. «Independent» нашрининг хабарига

Интернет хабарлари асосида Салим ДОНИЕРОВ тайёрлади.

АЗИЗ ВА МУҲТАРАМ ВАТАНДОШЛАР!

**Ватанам**  
компанияси

СИЗ АЗИЗЛАРНИ  
ВАТАНИМИЗ  
МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ

**11**  
ИЙЛАНИК

БАЙРАМИ МУНОСАБАТИ  
БИЛАН САМИИЙ  
МУБОРАКБОД ЭТАДИ!

Жонадонингизга  
тинчлик, бахт, фаровонлик,  
эзгу ишларингизга  
улкан ютуқлар тилайди!

Ўзбекистоннинг Мустақиллик кунини муносиб нишонлаш мақсадида

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ МИЛЛИЙ БАНКИ

«Сўм карточкаси» омонати буйича анъанавий совринли ўйин ўтказлади.

Сиз 10.000 сўмдан 500.000 сўмгача бўлган ютуқ соҳиби бўлишингиз мумкин. Бундай ноёб имкониятни қўлдан чиқарманг.

Тиражда 2002 йил 1 сентябрга қадар очилган барча сўм карточкалари иштирок этади.

Ўйин 2002 йил 10 сентябрда ўтказилади. Тираж натижаларини Ўзмиллийбанкнинг барча муассасаларидан билиб олишингиз мумкин.

Супермаркетлар, дўконлар, ресторанлар, маиший хизмат корхоналари, уяли алоқа корхоналари, ёнилғи қуйиш шохобчаларида Ўзмиллийбанк сўм карточкаси ёрдамида товарлар харид қилганингизда ва хизматлар ҳақини тўлаганингизда қулайлиқни ҳис этасиз.

Сўм карточкаларини Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкининг барча бўлим ва филиалларидан бепул олишингиз мумкин. Алоқа учун телефонлар: 137-62-80, 137-62-83. www.nbu.com

# Сержило «гилам»

Брюссел шаҳар ҳокимияти ҳар икки йилда аҳоли ва кўплаб сайёҳларни ҳайратга қолдиришга тайёр бўлади. Унга кўра шаҳарнинг энг гажму майдонларидан бири — "Гранд Пляс" 75х24 метр ҳажмидаги 700 минг табиий гулдан иборат "гилам" билан қопланади.

Бу ағъана 1971 йилда дизайнер — тасвирчи Этьенн Сто-темас ташаббуси билан табиий гуллардан ишлаб чиқилган серхам гиламни кўргазмага кўйишдан бошланган. 30 йил мобайнида мазкур гиламлар турли мавзуларга бағишланган. Хусусан, 1979 йили тадбир Брюсселнинг 1000 йиллиги бағишланган бўлса, 1980 йили эса Бельгия қироллиги давлатчилигининг 150 йиллиги муносабати билан ташкил этилган. Йиллар давомида гиламлар мавзулари ўзгариши билан уни ишлаб чиқариш учун ишлатилган "хомаше" ўзгаришларидир. У қизил, тўққизил, сариқ, тўқсарик, оқ, пуштиранг ва бошқа рангли бегония — "begonia tuberosa grandiflora" гуллари билан.

Ҳозирда ёзилган гилам мавзуси "Гранд Плясаги Версал" бўлиб, у 1800 квадрат метр майдонни безаган. Лойиҳа муаллифи — бельгиялик дизайнер Марк Шотет ўз гиламида ушбу гулнинг сержило барглари орасига 1.5 — 7 метр баландликка мусаффо сув оқимларини отиб чиқараётган жами 5 фавворани жойлаштирган. Кеч кириши билан саккиз рангли бегония гуллари айналтирилган ранг-баранг нурлар ва уш эрдан таралётган жозибали Гендел мусикаси оҳанги остида ўз баландлигини электроника бошқаруви орқали ўзгартирувчи фаввора оқимлари ҳашаматли маконга янада гўзаллик бахш этмоқда.

Жўра ДЕКҚОНОВ,  
«Жаҳон» АА,  
Брюссел.



— Уяма қизалоқ, уяма...

Абдуған ЖУМАЕВ  
олган сурат-наша.

## Илҳом ЗОЙИР

# МАСТОН ХОЛА

## Пароқия

БОЗОР. Олма ослан эрга тушмайди. Бозор дарвозасининг биқинида кўйишдан қорайган, тўладан келган аёл — Мастон хола савлат тўқиб ўтирганларига салкам қирқ йилдан ошди.

— Ушанда ўн икки ёшли, сочлари патила қизалоқ эдим, — дея ҳикоясини бошлади қаҳрамонимиз эрр бир энтиқиси билан. — О, менинг ўн икки ёшим! Онам раҳматли худди ана шу жойда писта сотаридилар. Бир куни нима бўлди, мени уларни билан бозорга олиб келилар... Шу-шу бозорга меҳриман тушиб қолди.

— Демак, пистага, пистафурушликка ўшанда қизиқтириш пайдо бўлган экан-да, а?

— Ҳа, уяма! Жойидан ушладинг болам! — Мастон хола завок билан қулди. — Мана, сизларнинг шаблон гапларинг бор-ку: ашуланининг уйига ашулачи, сурнайчининг уйига сурнайчи, карнайчининг уйига карнайчи келди, деганларидей, бизнинг уйимизга машҳур пистафурушлар келарди. Пистафурушликка асос солган Қўрбон хола борми, «Қўнғабон» фольклор ансамблини тузган Рўзигул Маймоқова борми, «Пистанча» номи билан танилган Мушар хола борми, бари-бари уйимизга келишган. Улар онам билан «гап» ейшарди. Эсимда, уларнинг сўхубати доимо писта, унинг бозордаги чакана нархи ва сифати ҳақида бўларди. Албатта, уларга чой-чай ташиб юрган мендек қизча бу сўхубатлар қизиқ туюларди. Эҳтимол, ана шу ҳолат мени пистафурушликка бўлган меҳр-муҳаббатимни жўштириб юборгандир.

Мастон холанинг нафас ростлашдан фойдаланиб, биз яна савол беришга ҳаракат қилдик.

— Илк бор мустақил равишда писта сотган кунингизни эслай оласизми?

— Албатта. Пистафуруш-

ликнинг сир-асрорларини ўрганиб олганимдан сўнг, бир куни онам: «Қизим, сенга ҳам битта тоқча очиб берсам, ўзинг шу ишни удалай оласанми?» деб қолдилар. Тўрри, аввалида бироз чўчимди. Йўқ, аста-секин мишрабларнинг «қувди-қувди», фаррошларнинг «урди-сурди» каби тил топишса бўлганда қийинчиликлар орта қилиб кетди. Бозор менинг иккинчи уйим бўлиб қолди.

Шу пайт нимадир жўришга қолди. Бу — Мастон холанинг кўйидаги сотқаси экан. Хола сотқадан қўшни бозордаги ҳамқасби билан узоқ гаплашди. Биз эса, вақтдан фойдаланиб кейинги саволимизни шай қилиб турдик.

— Қизларингиздан бирортаси сизнинг касбингизга қизиқадими?

— Қизиқишга-ку, тўртталаси ҳам қизиқди. Лекин кенжатоғини Дурсагул бошқача. Шу қизимдан бир нима чиқди. Нимага бундай дейман? Бир куни бозорга олиб кетсам, паттани билан тиккама-тикка туриб олишди-ку! Унинг тараши бўлиб қолдим.

— Холажон, армонингиз ҳам борми?

— Армоним йўқ деймайман-у, лекин нолимайман ҳам. Шу пистанинг орқасидан ўғил-қизларни уйли-жойли қилдим. Тўйга борсам тўр меники. Керак бўлса министрининг хотинини гапирини билдан кесаман. Даниллача уштакан бор, томидан тўрт-беш бозор кўринади. Еганим олдимда, емаганим бозорда.

— Эрингиз билан сенишиб турмуш қурганмисизлар? Еки...

— Менинг севгимни «ёқипқиси» йўқ. Қизлик пайтида Саримсоққул деган паттачи бўлгучи эди. Уша вақтдаги бир каттақонинг поччаси бўлгани учун кўпчилик унда ҳайқарди. Бир куни шу паттачи «кўтар,

тўрва-халтангин!» деб халта тўда пистанимни ер билан битта қилди. Еш, унинг устига шаддоо эмасамми, обрў-поёрлиги қармай, уни тагимга ёсиб олдим-ку. Шунда бир йилит келиб, тагимдан паттанин қизиб олди ва мента кўзи тушдию, пахтадай оқарди-қолди. Тил ўлгур танглайга ёпишган... Кейин уларнинг айтишларига қараганда, уша қарашларига юраклари адо бўлган экан...

Йўқ, эру хотини кўш ҳўкиз, деганларидек, шу бозорнинг остонасини ялаб юрмиз.

— Сиздай тадбиркор аёлнинг шогирдлари йўқ, деб бўлмайдил. Айтинг-чи, шогирдларингиз кўпми?

— Шогирдларим — ана шу қизларим! Хў, ана биттаси, қолганлари ҳам турли бозорларда. Бир секретни сизларга айтсам, бозорда ўтирган одам бегонадан шогирда танламайди. Бегона нонингни яримта қилади-да.

— Ҳўкирг пистафурушлар олдингиларидан нимаси билан фарқ қиларди?

— Фарқ катта! Авваллари бизни мелкий савдогар ёки олибсатар дейшарди. Кейинги йилларда бағримизга шамол теги, ўргилди! Бугун ҳамма нарса ўзимизники: мишраби ҳам, солиқчиси ҳам умимизники. Улар билан беамалол тил топишса оласан. Бир нарса сўрашса ҳам ўзимизнинг тилда сўрашадилар.

— Еш пистафурушларга тилақларингиз?

— Еш пистафурушлар кўрнини катта, лекин ичи тўр ёноч стаканларда писта сотиб, харидорларни алдамасинлар. Папирос, нос каби нарсаларни олоқда сотиблар, нимагаки, пистага хиди уриб қолди.

Чўнтақларимизни пистага тўлдирган Мастон холага ташаккур билдириб қайтарганимиз, то катта йўлга чиққинимизча у кишининг орқасида овозлари қўлогимиз остида жаранглаб турди.

## Бу қизиқ...

Шимоллий ярим шардаги Ёкустион ва Гренландия худудларида совуқ 70 даражага боради. Дунёнинг энг совуқ нуқтаси — Антрактидада совуқ ҳарорат 94,5 даража бўлиб, бундай шароитда керосин аланга олмайдил, соларқа ҳамирга ўхшаш қуюқ массага айланиб қолади.

\*\*\*  
Ер қаъридаги ҳарорат қандай? 3 километргача бўлган чуқурликда ҳарорат ҳар 100 метрда 1 даражадан ортиб боради. Ер қаърининг 70 километр чуқурлигида совуқ ҳарорат 180 даражага тенг.

\*\*\*  
Бундан бир неча йил аввал АКШнинг Техас штатида йўлбарс-чинилар пайдо бўлган эди. Хол-хол йўлда бу чивин ўта тажовузкор. У чаққанда олдий чивинга нисбатан ўн чандон ортиқ азоб беради. Америкалик мутасаддилар астойдил курашиб, уларни йўқ қилишга эришдилар.

## Хикматли латиқалар

Сукротнинг ўлимга ҳужм этилганини эшитган хотини: «Сени ноҳақ ўлдирдишпти», деб йиллай бошлабди.

— Ҳўкир, — дебди Сукрот. — Ҳали мени ҳақ бўла туриб ўлдирдишларини истабминдиги?

\*\*\*  
Чўлда бир дарвингидуч қолдиким:

— Вошинга соя қил, бошқа садақанг керак эмас, — дорди у.

\*\*\*  
Дунё неъматларига аҳамит бермайдиган буюклардан бири фақат бир киши ўтиши мумкин бўлган тўр йўлда ўзига бино қўйган киши билан тўқнаш қолди.

— Мен бир девонага йўл бериб четга чиқмайман! — деб пишқирибди ҳалиги киши. Аллома эса гоят сокин оҳанда дебди:

— Мен эса йўл бераман!

## 2002 йил — Қарияларни кадрлаш йили

# Умр манзиллари

Қорам,  
Қўнғирми,  
Сариқми,  
Қулранг.

Бари бир инсонни боққан тупроқсан.  
Дунёда нимаки муқаддасроқсан.  
Ўзинг барчасидан муқаддасроқсан.

Оқунжон ҲАКИМОВ.

Қаримда ўтирган ота-хонинг кўзларига боқаман. Уйчан, тийрак. Хатти-ҳаракатларида қатъият ва журят сезилиб туради. Дарвоқе, Рўзиматжонга 72 ёши бериб бўлмас. Салобати мисолга қояга ўхшайди, назарингизда. Умр йўллари ер билан, пахта билан тутшиб кетган.

Фарғона туманида Рўзимат Раҳимов ҳақида шундай таъриф юради: «Войида биттагина. У ўш учун яшамайди. Инсон сифатида пок ва ҳалол. Емон кўрғани — ноҳақлик, икки юзмачилик, тилбеламалик, таъмагирлик...»

Меҳнат фаолиятини 1944 йилда олдий ҳисобчиликдан бошлаган агрономлар тайёрлаш билимгоҳида таҳсил олди. 1968-72 йилларда Тошкент қишлоқ ҳўжалик институтининг агрономия факультетини сирдан битирди.

Сўнг Фарғона, Олтириқ туманларида турли лавозимларда меҳнат қилди. Шўро замонида 32 йил раис бўлиб ишлаш, элининг дарда ташвиши билан яшаш осон дейсизми! Рўзимат ота ўтган умридан афсусланмайди. Чўнки нимакини қилган бўлса, шу юрт, шу одамлар учун қилди, ўзини ямади.

Яхши инсонларни кўрганда, юзида фариштаси бор, дея алқаймиз. Лекин «фариштаси» бўлиш ҳаммага ҳам насиб этавермайди. Рўзиматжон ака раислик лавозимида ишлаб, эл-юртнинг эри ўзлаштиришда бошқош бўлди. Қарийб 350 гектар ери ўзлаштиришда бошқош бўлди. Қарийб 350 гектар боғ-роғ яратдики, улар ҳўзир тонналар мевачева берапти.

— Умр қисқа. Одам ўздан яхши ном қолдириши керак, — дейди Р. Раҳимов. — Мана, қачондир ўша боғларни яратган эканмиз. Бугун унинг ҳўсийидан баҳраманд бўлган киши борки, «Экканга раҳмат!» дейиши аниқ Бу — энг яхши савоб, бу — энг яхши дуо...

Бўзлан ўзимга-ўзим савол бераман: «Мендан нима қолаяпти? Шўнча йил раҳбарлик лавозимида ишлаб, эл-юртнинг рози қила олдимми? Яхшиси, бу ҳақда одамлар гапиргани маъқул. Қўлдан келганча меҳнат қилдик. Шўнунг натижаси бўлса керак, 550 ўринли маданият уйи, 52, 53-мактаблар учун янги бинолар, 2 та қишлоқ врачлик шохобчаси, марказий таъмирлаш устaxonаси, 5 та боғча, 2 та ҳаммом, «Аюббек», «Хонқиз-1», «Хонқиз-

2» суғориш станциялари қўрилди. Шогирдларим — туман ҳўкимси Ортиқали Мадумаров, «Хонқиз» ширкат ҳўжалиги бошқарувининг раиси Шокиржон Исроиллов биз бошлаган ишларни давом эттиришайпти. Бундан қўвонаман, гурурланаман.

«Ўзбекистонда хизмат кўрсатган қишлоқ ҳўжалик ходими», «Халқ таълими аълочиси», талай нишонлар соҳибни Р. Раҳимов бугун эл-юрт ардоғида. У ёшлардан масхалатини ҳамқишлоқларидан ерданин аямайди.

— Умрим давомида кўп савҳат қилдим. Муборак ҳаж зиёратига бўлиб, талай юртларни кўрдим, — эътироф этиди отахон. — Ростки, агар дунёда жаннат борлиги аниқ бўлса, ўша жаннат Ўзбекистондир. Бу қадим юрт учун қанча ишлашса, жонни қанча фидо қилса, шўнча оз Япониялик археолог олим Кюэе Като берган баҳонини ўқиб гоят сениндик: «Ўзбекистон — тупроқлари покча мамлакат».

Юракдан чиққан бу сўзларга қўйилмай иложимиз йўқ. Ҳўжи отанинг фарзандлари ҳам ҳўддан ўз ўринини топиб олишган. Нўмонжон — қурувчи-муҳандис, Эъзожон — тиббиёт ҳўкимси, Мақсуджон — иқтисодчи, Матлуба ва Гулсал — зиёкор. Кенжатоғи Зафаржон эса ота йўлини тутган. Фермер. 4 гектар ерда леҳқончилик қилиб, мўл-кўл ҳўсил этиштиришайпти. Нима ҳам дердик. Ота учун фарзандлар бахти ва қаромалини қўришдан каттароқ бахт борми?

Собир ДАДАХЎЖАЕВ.

## Тарадду

# Оз-оз ўрганиб...

мактабдан чиқмай ишлар экан-да.

Бойсуннинг мактаблари ҳам ёмон эмас. Ҳатто, Хомкон, Маҷай, Тангимуш деб аталадиган узоқ тоқ қишлоқларидан ўрта умумтаълим даргоҳлари пўстлогли арчилган тўқмадай қилиб таъмирландилар. Топган гул, топмаган бир боғ пийз, дейдилар.

Ҳатто, тўбдан таъмирлашга тушган тўртта мактабга ҳўмийлар ул-бул улушларини қўйдилар.

— Асосий иш ва айтиш мумкинки, мўзмом ўқув-тарбия ишларини сифати даража кўтариш бўлиб қолади, — дейди Норқўлов. — Ўқув-

чени мактабга, қишлоғига, юртига маҳаб қилашдан нарсача, аввало, ўқитувчининг қаломиди. Бу қалом олов бўлиб ёниб турмоғи керак. Еш қўлларини юрт келажати учун бердорликка, безоваликка ўргатмоғи керак. Бир олдий чўпон яқинда, боланимни ўқитган муаллимнинг дарсига кирсам. Ишларини қўзғатсам, деб қолди. Бу гапни эшитган ўқитувчим энди чўнча тўрт-беш соат эмас, ўн-ўн беш соат ишлайди. Ишлаган одам — эришадил. Эриштирадил ҳам...

О.УСАНОВ,

«Халқ сўзи» муҳбири.

# САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

2002 йил учун клиник ординатура, аспирантура ва докторантурага кириш учун танлов эълон қилади.

**Клиник ординатура:**  
болалар қўлоқ, томоқ ва бурун касалликлари (3 ўрин), болалар кўз касалликлари (3 ўрин), юқумли касалликлар (2 ўрин), психиатрия (2 ўрин), даволаш физкультура ва спорт тиббиёти (2 ўрин), нур таъхиси ва нури терапия (2 ўрин), суд тиббиёти (2 ўрин), фтизиатрия (3 ўрин), гематология ва қон қуйиш (2 ўрин), аллергология ва иммунология (2 ўрин), анестезиология-реанимация (3 ўрин), клиник фармакология (2 ўрин), пульмонология (3 ўрин), наркология (3 ўрин).

**Аспирантура:**  
акушерлик ва гинекология (1 ўрин), одам анатомияси (1 ўрин), педиатрия (1 ўрин), кўз касалликлари (1 ўрин, мақсадли), тери ва таносил касалликлари (1 ўрин, мақсадли), травматология ва ортопедия (1 ўрин), жаррохлик (1 ўрин), болалар жаррохлиги (2 ўрин), анестезиология ва реанимация (1 ўрин).

**Докторантура:**  
ички касалликлар (1 ўрин), гистология (1 ўрин, мақсадли).

Ҳўжатларини қабул қилиш мўддати — 2002 йил 31 августгача.

Манзил: Самарқанд шаҳри, Амир Темур кўчаси, 18-уй, илмий бўлим.

Мурожаат учун телефон: 33-30-34.

## ҚўРМАТЛИ СОТУВЧИ ВА ХАРИДОРЛАР!

# «ОТЧОПАР БУЮМ БОЗОРИ»

«Отчопар буюм бозори» очик акциядорлик жамияти фаолиятини такомиллаштириш, сотувчи ва харидорларга яратилган шароитларни яхшилаш, савдони замонавий услубларда ташкил этиш, савдо жойларини қайта жиҳозлаш, бозор ҳудудини ободонлаштириш ҳамда зарур хизмат турларини барпо қилиш мақсадида шу йилнинг

1 СЕНТЯБРИДАН БОШЛАБ, «ОТЧОПАР БУЮМ БОЗОРИ» ҚАЙТА ҚУРИШ ИШЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРИШ УЧУН ВАҚТИНЧА, 3 ОЙ МУДДАТГА ЁПИЛАДИ.

Савдо фаолиятини давом эттириш истағида бўлган тадбиркорларга «Ташбозортайёрловсавдо» ушмаси тизимидаги бозорлардан мавжуд бўш савдо рашталари тавсия қилинади.

«Отчопар буюм бозори» ОАЖ маъмурияти.

ЗАВОДНИНГ РАСМИЙ ДИСТРИБЬЮТЕРИ ТОШКЕНТДАГИ ОМБОРДАН

**БЕНЗИН ҚУЙИШ КОЛОНКАЛАРИ**  
(НАРА 4216, 2816)

**НАРА ТМ**

ва ЭХТИЁТ ҚИСМЛАРНИ таклиф этади.

Завод мутахассислари томонидан ўрнатиб ва созлаб берилади.

Телефонлар: 144-28-44, 144-28-04, факс: 144-28-28

ТОШКЕНТ АРХИТЕКТУРА-ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ

2003 йил учун докторантура ва аспирантурага қўйидаги мутахассисликлар бўйича ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

**I. Докторантура**

05.23.01 — қурилиш конструкциялари, бино ва иншоотлар — 1 ўрин;  
05.23.05 — қурилиш материаллари ва буюмлари — 1 ўрин.

**II. Аспирантура**

01.02.05 — сувоққик, газ ва плазма механикаси — 1 ўрин;  
05.13.01 — техник шизимларда бошқарув — 1 ўрин;  
05.23.01 — қурилиш конструкциялари, бино ва иншоотлар — 2 ўрин;  
05.23.05 — қурилиш материаллари ва буюмлари — 1 ўрин.

Кириш имтиҳонлари тавланган мутахассислик фаши, Ўзбекистон тарихи, фалсафа ва чет тилдан топширилади.

Маълумотлар учун қўйидаги манзилга мурожаат қилиш мумкин:  
700011, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 13-уй,  
илмий педагогик ходимлар тайёрлаш бўлими, 227-хона.  
Телефон: 41-11-73.

САВОЛ БИЗДАН...

Вадуқ шаҳри қайси давлатнинг пойтахти?

136-35-60

Кечга сонда берилган саволнинг жавоби:  
Санта-Фе-де-Ботота.

Республика «Маънавият ва маърифат» маркази жамоаси марказ бош мутахассиси А.Акмалова акаси Ашрафжон АКМАЛОВнинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Камолотдин Бекқод номдаги Миллий рассомлик ва дизайн институти жамоаси институти ҳисобчиси Болдибек ШОИЕВОВА падали бузрукори Янгиёй ота ШОИЕВОВнинг вафот этганини муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университети ректорати Халқаро журналистика факультетининг инглиз тили кафедраси инглиз тили ўқитувчиси Умид ИМЗАЕВОВнинг вафоти муносабати билан маркумининг онда аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки жамоаси банкнинг Лойиҳаларни мониторинг қилиш бошқармаси бошлиғи ўринбосари О. Мирзажонига отаси Валерий МУХИНИНинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

«Халқ сўзи»  
«Народное слово»

МУАССИСАЛАР:  
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:  
Аббосхон УСМОНОВ

Тахрир хайъати:  
Э. БОЛИЕВ (масъул котиб — «Халқ сўзи»),  
М. ЕГОРОВ (масъул котиб — «Народное слово»),  
Ш. ЖАББОРОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»),  
С. ЗИНИН,  
М. МИРАЛИМОВ,  
С. МУХИДИНОВ,  
Ш. РИЗАЕВ,  
Р. ФАРҲОДИЙ,  
И. ХУДОЁЕВ,  
И. ШОҒУЛОМОВ,  
О. ҚАЙПБЕРГЕНОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»),  
Ў. ҲОШИМОВ.

БЎЛИМЛАР:  
Ижтимоий-сиёсий ҳаёт — 133-57-34;  
133-78-92  
Иқтисодийёт — 136-36-65;  
132-10-15  
Маънавият ва маърифат — 136-35-60;  
Газетхонлар билан алоқа ва минақалар — 136-29-89;  
133-07-88;  
Фан, соғлиқни сақлаш ва халқ таълими — 132-12-08;  
Янгиликлар ва халқаро ҳаёт — 132-11-15;  
Котибият — 133-10-28;  
Эълонлар — 136-09-25.

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 00001-рақам билан рўйхатга олинган.  
Буюртма Г — 777,  
27606 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ.  
Офсет усулида босилган.  
Қоғоз бичими А—2.

Газета тахририят компьютер базасида терилди одамлар операторлар Ж. ТОҒАЕВ ва З. БОЛТАЕВ тавонидан саҳифаланди.

Навбатчи котиб — Ю. ҲАМИДОВ.  
Навбатчи муҳаррир — О. РАҲИМОВ.  
Навбатчи — М. ЮСУПОВ.  
Мусаҳҳих — Ш. МАШРАБОВЕВ.

• МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Тахририятда ҳажми 5 қўғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.  
□ — тижорат материали.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси.  
Қорхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41.

Босишга топшириш вақти — 21.00.  
Топшириш — 24.00.  
1 2 3 4 5 6